

**ЎЗБЕКИСТОН ЖУРНАЛИСТИКА ВА ОММАВИЙ
КОММУНИКАЦИЯЛАР УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD. 03/30.12.2019.Fil.14.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

БЕРДАҚ НОМИДАГИ ҚОРАҚАЛПОҚ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ЖАРИМБЕТОВ ЕРПОЛАТ ҚУРБАНБАЕВИЧ

**ҚОРАҚАЛПОҚ МАТБУОТИДА АДАБИЁТ МАСАЛАЛАРИНИНГ
ТАЛҚИНИ: ЁНДАШУВЛАР, ТЕНДЕНЦИЯЛАР ВА МУАММОЛАР
«ЕРКИН ҚАРАҚАЛПАҚСТАН», «ҚАРАҚАЛПАҚСТАН ЖАСЛАРЫ»,
«УСТАЗ ЖОЛЫ» ГАЗЕТАЛАРИ МИСОЛИДА (2000-ЙИЛЛАР)**

10.00.09 – Журналистика (филология фанлари)

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
филологическим наукам**

**Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on
philological sciences**

Жаримбетов Ерполат Курбанбаевич

Қорақалпоқ матбуотида адабиёт масалаларининг талқини: ёндашувлар,
тенденциялар ва муаммолар «Еркин қарақалпақстан», «Қарақалпақстан
жаслары», «Устаз жолы» газеталари (2000-йиллар) 3

Жаримбетов Ерполат Курбанбаевич

«Анализ проблем литературы в каракалпакской печати: подходы,
тенденции и проблемы (На примере газет «Еркин Каракалпакстан»,
«Каракалпакстан жаслары», «Устаз жолы» 2000 годы)..... 29

Jarimbetov Erpolat Kurbanbaevich

«The analysis of literature problems in the Karakalpak press: approaches,
tendencies, and problems (on the examples of the newspapers «Еркин
Каракалпакстан», «Каракалпакстан жаслары», «Устаз жолы» during
the 2000s)..... 55

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 59

**ЎЗБЕКИСТОН ЖУРНАЛИСТИКА ВА ОММАВИЙ
КОММУНИКАЦИЯЛАР УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD. 03/30.12.2019.Fil.14.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

БЕРДАҚ НОМИДАГИ ҚОРАҚАЛПОҚ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ЖАРИМБЕТОВ ЕРПОЛАТ ҚУРБАНБАЕВИЧ

**ҚОРАҚАЛПОҚ МАТБУОТИДА АДАБИЁТ МАСАЛАЛАРИНИНГ
ТАЛҚИНИ: ЁНДАШУВЛАР, ТЕНДЕНЦИЯЛАР ВА МУАММОЛАР
«ЕРКИН ҚАРАҚАЛПАҚСТАН», «ҚАРАҚАЛПАҚСТАН ЖАСЛАРЫ»,
«УСТАЗ ЖОЛЫ» ГАЗЕТАЛАРИ МИСОЛИДА (2000-ЙИЛЛАР)**

10.00.09 – Журналистика (филология фанлари)

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Нукус – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида №В2019.4.PhD/Fil1070 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Қорақалпоқ давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.uzjoku.uz) ҳамда «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Қудрат Ирназаров тарих фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	Насимхон Раҳманов филология фанлари доктори, профессор Назира Ташпулатова филология фанлари номзоди, профессор
Етакчи ташкилот:	Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи PhD.03/30.12.2019.Fil.14.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «__» _____ соат ___ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100017, Тошкент шаҳри, Марказ-5, 88-уй. Тел.: (99871) 207-09-06; e-mail: journalism.univer@gmail.com.)

Диссертация билан Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100017, Тошкент шаҳри, Марказ-5, 88-уй. Тел.: (99871) 207-09-06).

Диссертация автореферати 2022 йил «___» _____ куни тарқатилди.
(2022 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Ф.А. Мўминов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, ф.ф.д., профессор

Н.Ф. Муратова
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, ф.ф.н., доцент

Н.А. Раҳманов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси муовини, филология.ф.д., профессор.

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон журналистикасида ОАВ катта мафкуравий ва техник ўзгаришларга учрамоқда, бу ўз навбатида ОАВ билан аудитория орасидаги алоқаларни, яъни талабларни ўрганишга ундамоқда. Оммавий ахборот воситалари жамият тизими, тарихий жараёнлар, маданий шароитлар контекстида ривожланаётгани билан бирга ва янги фаолият йўналишларини жорий ҳам этмоқда. Буларнинг таъсирида адабиёт мавзуси ҳам жаҳон матбуот тизимида тобора янгича форматларда ва услубларга акс этмоқда.

Дунё олимларининг илмий тадқиқотларида ОАВ орқали адабиётни акс эттириш мавзуси илмий тадқиқот мавзулари қаторидан доимий жой олган. Хусусан, матбуотнинг тарбиявий ролини ошириш нуқтаи назаридан тадқиқотчилар адабиётни турли ракурсада илмий жиҳатдан ўрганишга эътибор қаратишмоқда. Шарқ олимлари учун ОАВ адабиётни оммалаштириш воситаси сифатида ўрганилаётган бўлса, ғарб медиа оламида адабиёт матбуотнинг янгича шакли сифатида алоҳида бўгин сифатида шаклланаётгани илмий тадқиқотларда ўрганилмоқда. Бундан ташқари публицистик чиқишлардаги адабий жиҳатлар, алоҳида адабиётга оид нашрларнинг замонавий интерпретация асосида аудитория билан қайта алоқа воситаларидан самарали фойдаланиши ҳам кўп таҳлил объектлари сифатида кўзга кўринади. Бундай ҳолат ОАВ хизматини, шу жумладан даврий матбуот хизматини юқарида қайд этилган ўзгаришлар контекстида ўрганишни талаб этади.

Шу тарихий ва сиёсий ўзгаришлар туфайли Ўзбекистон ОАВда янги давр реал воқелигини, янги демократик тамойилларини, талабларини қабул қилиш жараёнини акс эттирадиган, янги авлоднинг маънавий етук инсонлар бўлиб тарбияланиши масалаларини кўтариб чиқадиган материаллар кўрина бошлади. 2016 йилдан бошлаб Ўзбекистон ОАВ соҳасида жуда катта ўзгаришлар бошланиб кетди. Бу ошкоралик, таҳлил, холис танқид ва тезкорлик бўлиб ҳисобланади. Шунинг билан бирга миллий журналистикани тўртинчи ҳокимият даражасига айлантириш ҳақида мамлакатимиз Президенти шундай деган эди: “Бугун биз дунёдаги узоқ-яқин давлатлар билан ҳамкорликни мустаҳкамлаб, юртимиздаги демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштиришга интилар эканбиз, бошқа соҳалар қатори оммавий ахборот воситалари фаолияти бўйича ҳам ҳали кўп иш қилишимиз кераклигини яхши тушинамиз. Оммавий ахборот воситалари сўзда эмас, амалда “тўртинчи ҳокимият” даражасига кўтарилиши зарур. Бу-замон талаби, ислохотларимиз талаби”¹

Ўзбекистоннинг маданий юксалишида, санъатга, адабиётга қизиқишини уйғотишда ОАВнинг роли катта. Дарҳақиқат, адабиёт, санъат инсоннинг онгини, тафаккурини юксалтиришда, ёшларни етук инсонлар қилиб тарбиялашда ОАВнинг хизмати катта аҳамиятга эга. Бугунги ОАВ, шу

¹ Мирзиёев Ш.М. «Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир» 2-жилд. «Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларига» 485 б Тошкент «Ўзбекистон» 2018

жумладан, даврий матбуот аудиторияни ҳозирги замон руҳида тарбиялаш ишида мунтазам хизмат қилмоқда.

Айниқса, ёшларнинг онгли, атрофлича билимли, маданиятли бўлиб шаклланиши учун миллий адабиётимизнинг ва жаҳон адабиётининг буюк намуналарини уларнинг онгига сингдириш катта аҳамиятга эга: «Айни шу нуктаи назардан қараганда, ўзбек мумтоз ва замонавий адабиётни халқаро миқёсда ўрганиш ва тарғиб қилиш, кўп қиррали бу мавзуни бугунги кунда дунё адабий маконида юз бераётган энг муҳим жараёнлар билан узвий боғлиқ ҳолда таҳлил этиб, зарур илмий-амалий хулосалар чиқариш, келгуси вазифаларимизни белгилаб олиш, ўйлайманки, катта аҳамиятга эга. Айниқса, ҳозирги нотинч ва таҳликали замонда бутун башарият олдида пайдо бўлаётган, биз илгари дуч келмаган ғоят мураккаб муаммолар, глобал хавф-хатарларни биргаликда бартараф этиш, шу йўлда барча эзгу ниятли инсонларни бирлаштиришда, дунё аҳолисининг қарийб учдан бир қисмини ташкил этадиган ёшларни гуманистик ғоялар руҳида тарбиялашда бадий сўз санъатининг ўрни ва масъулиятини ҳар қачонгидан ҳам юксалтириш зарурлигини бугун ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда.»²

Ушбу вазиятдан келиб чиқиб биз Қорақалпоғистон Республикасида нашр этилаётган «Еркин Қарақалпақстан», «Қарақалпақстан жаслары», «Устаз жолы» газеталарида бадий адабиёт ва адабиётшунослик мавзусидаги масалаларни ёритишнинг ўзига хос хусусиятларини тадқиқот объекти қилиб танладик.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги.

Диссертация фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маънавий-маърифий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётини ривожлантириш» дастури йўналишига мувофиқ бажарилган.

Масаланинг ўрганилганлик даражаси. Ўзбекистон матбуоти ривожланиш тарихи, назарияси ва вазифалари қатор ўзбек тадқиқотчилари Ф.А.Мўминов, Б.Дўстқораев, Ф.П.Нестеренко, Н.Абдуазизова, М.Х.Худойкулов, Қ.Т.Ирназаров, Я.М.Маматова, Ф.И.Мўминова, Н.Қ.Ташпўлатова, Т.Ж.Машарипова ва б.нинг илмий тадқиқотларида ўрганилган³.

² Мирзиёев Ш.М. «Ўзбек мумтоз ва замонавий адабиётни халқаро миқёсда ўрганиш ва тарғиб қилишнинг долзарб масалалари» мавзусидаги халқаро конференция иштирокчиларига «Халқ сўзи» 08.08.2018.

³ Современная журналистика. Рук проекта Ирназаров К.Т. Авторы: Нестеренко Ф.П., Ирназаров К.Т., Маматова Я.М. Т.: Зар қалам. 2006; Мўминов Ф.А. Журналистика ижтимоий институт сифатида. Т.: Университет. 1998; Дўстқораев Б. Ўзбекистон журналистикаси тарихи (1-2 қисм) Т.: 2009; Абдуазизова Н. Миллий журналистика тарихи. Икки жилдлик Т.; Шарқ. 2008; Мўминова Ф.И. Международная журналистика: теория и практика. Т.: УМЭД–PATENT – PRESS, 2006; Худойкулов М. Оммавий ахборот воситалари назарияси. – Т.: Университет, 2000. ; Худойкулов М. Бадиий публицистика жанрлари. – Т.: Зар қалам, 2004; Современная периодическая печат Узбекистана: система, тематика, тенденция и проблемы функционирования. Ташкент, “Национальное общество философов Узбекистана”, 2006; Маматова Ё.М. Современная периодическая печать Узбекистана: система, тематика, тенденции и проблемы функционирования. Ташкент, “Национальное общество философов Узбекистана”, 2006, с.33-56.

Журналистика жанрлари, матбуот назарияси ва типологик хусусиятлари масалаларини рус олимлари Д.С.Аврамов, В.В.Ворошилов, В.М.Горохов, С.Г.Корканосенко, Г.В.Лазутина, Е.П.Прохоров, Д.Рэндал, Д.П.Шолохов ва бошқалар ўз ишларида ўрганганлар.⁴

Қорақалпоғистон ОАВ, шу жумладан, матбуотнинг ривожланиш тарихи, миллий мустақиллигимиз руҳида янгидан ташкил қилиниши, ҳар хил тарихий даврдаги аҳволи масалалари қатор ишларда акс эттирилган⁵. Лекин бу ишларнинг ўз мақсадлари бўлган, шу туфайли уларда адабиёт ва адабиётшунослик масалалари алоҳида мавзу сифатида ўрганилмаган. Мазкур тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурияти шундай ҳолат ва шароитлардан келиб чиқади.

Тадқиқот мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасининг илмий-тадқиқот режалари билан боғлиқлиги.

Тадқиқот мавзуси Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университети журналистика кафедраси илмий тадқиқот режасига киритилган ва 2019 йил 22 октябр №14 қарори билан тасдиқланган.

Тадқиқотнинг мақсади. Мустақиллик давридаги Қорақалпоғистон матбуотида (2000 йиллар) адабиёт ва адабиётшунослик (адабиёт тарихи, назарияси ва адабий танқид) мавзусидаги материалларнинг тематик йўналишларини ва уларнинг ўзига хос жанрвий, услубий хусусиятларини миллий ва жаҳон журналистикаси тажрибалари контекстида ўрганиш бўлиб белгиланади.

Тадқиқотнинг вазифалари. Қорақалпоқ адабиётини унинг тарихий, назарий ривожланишини ва ҳозирги адабий жараён масалаларининг даврий матбуотда ёритилишни ўрганиш;

мустақилликдан олдинги даврлардаги матбуотда адабиётшунослик мавзусини ёритишда асосий хусусиятларни ва йўналишларни аниқлаш;

Қорақалпоғистон Республикаси матбуотида мустақиллик даврида адабиёт ва адабиётшунослик мавзусининг янги талаблар ва ёндашувлар асосида ёритилишини кузатиш;

мустақиллик йилларидаги Қорақалпоғистон матбуотида бадий адабиёт масалалари мавзусида эълон қилинган материалларни мавзуй, жанрий, ўрганиш.

Тадқиқот объекти сифатида «Еркин Қарақалпақстан», «Қарақалпақстан жаслары», «Устаз жолы» газеталарида (2000 йиллар) адабиёт мавзусидаги материаллар хизмат қилади.

Тадқиқот предмети «Еркин Қарақалпақстан», «Қарақалпақстан жаслары», «Устаз жолы» газеталарида адабиёт мавзуси бўйича ёритилган

⁴ Прохоров Е.П. Введение в теорию журналистики. Учебное пособие. — М.: Изд. РИП-холдинг, 2000; Шолохов Д.П. Жанровая специфика литературных программ на Казахстанском телевидении: Кандидат ф.н. ...дисс. автореферати. Алмата 2002

⁵ Бекбаулиев Д. Давлат мустақиллиги йилларида Қорақалпоғистон даврий матбуоти (1991-1994 йй.), — Т.: 1997; Досымбетов Г, Юсупов О. Қарақалпақстан баспасөзи (Пайда болыў хэм раўажланыў тарийхы). Нөкис, «Қарақалпақстан», 1991; Юсупов О. Қәлиметов А. «Қарақалпақстан» баспасына 60 жыл. Нөкис, «Қарақалпақстан», 1993; «Қарақалпақ мәдениятының қарлығашы». Нөкис, «Қарақалпақстан», 1998.

материалларнинг мавзувий ва жанрвий йўналишлари, хусусиятлари, журналистик маҳорат, масалалари бўлиб топилади.

Тадқиқот усуллари. Диссертацияда қиёсий-тарихий, қиёсий-типологик ва контент-анализ усуллари қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Қорақалпоғистон матбуотида адабиёт мавзусининг ёритилишида доимий муаллифларнинг асосий гуруҳи мутахассис адабиётшунослардан иборат экани ва уларнинг материалларида шахсий позиция, илмий таҳлилга мойиллик, аргументлар ва далилларга асосланганлик устунлик қилиши истобланган;

Қорақалпоғистон матбуотида адабиёт мавзуси материалларида мустақилликдан олдин адабий танқидчилик услуби устин бўлган бўлса, мустақиллик йилларида адабиётнинг матбуотда акс этиш ҳолатларида адабий танқидчилик унсурлари камайиб бораётгани, матбуот адабиёт тарғиботчиси сифатида роли ортиб бораётгани аниқланган;

журналистлар ва мутахассис адабиётшунослар тайёрлаган адабиёт мавзусидаги материаллар бир–биридан услубий жиҳатдан образлилик ва фактологик ёндашувга бўйича, жанрий жиҳатдан ахборот ва таҳлилий ёндашув бўйича, тематик жиҳатдан эса танқидий ва тарғиботга йўналтирилганлиги асосида фарқланиши далилланган;

матбуотда адабиёт мавзусида ёритилган материаллар контент-таҳлили асосида бадиий ҳодисаларни очиб беришда муаллифлар тил воситалари сифатида, адабий тилнинг ўқувчига эмоционал таъсир этиш элементлари, бадиий лексикани кенг қўллаши, риторик мурожатлар, троплар каби услубий имкониятларидан кенг фойдалангани исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилар:

матбуотда адабиёт мавзусидаги материалларнинг ёшларни ҳозирги замон руҳида тарбиялашдаги аҳамияти асослаб берилган;

адабиётшунослар ва бошқа соҳа мутахассислари томонидан тайёрланган материалларнинг илмий теранлиги ва таъсирчанлик даражаси аниқланган;

адабиёт мавзусидаги материалларни ёритишда қўлланилган жанрлар билан услубий амалларнинг журналистик маҳоратни оширишдаги таъсири қайд этилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги мавзуни ўрганиш жараёнида кўтарилган муаммоларнинг долзарблиги, аниқлиги, илмий ёндашув ва усулларнинг самарадорлиги, фойдаланилган адабий-бадиий материалларнинг, амалий-назарий маълумотларнинг аниқлиги илмий хулосалар, таклифлар ва натижаларнинг тегишли ташкилотлар томонидан маъқулланганлиги ва тасдиқланганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Мазкур диссертация натижалари ва илмий кузатишлари Қорақалпоғистон матбуотининг ривожланиш тарихини ва маҳаллий хусусиятларини илмий-назарий жиҳатдан ўрганишда, матбуотда адабиёт мавзусидаги материалларни бундан буён илмий акс этиришда илмий манба ва методик тажриба бўлиб хизмат қилади.

Диссертация тадқиқотининг амалий аҳамияти шундаки, унинг материалларини Қорақалпоғистон матбуоти тарихи, ривожланиш жараёни, журналистик маҳорат масалалари бўйича ўқув адабиётларини ёзишда, матбуот соҳаси бўйича махсус луғатлар тузишда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Матбуотда адабиёт мавзусининг ақс этирилиш хусусиятларини таҳлили бўйича эришилган натижалар асосида:

Қорақалпоғистон Ёзувчилар уюшмаси ёнида ташкил этилган ёш ижодкорлар семинари тақдим этилди. Матбуотда адабиёт мавзуси ёритилиши масалалари ёш ижодкорлар учун муҳим аҳамият касб этади ва уларга матбуот билан ишлаш, адабий ишларни ёритишда қўлланиладиган услубий йўналишлар ҳақида тушунчалар берилди. Натижада ёш ижодкорларда адабиёт масалаларини ёритишда маҳоратлари ошди. (Қорақалпоғистон Ёзувчилар уюшмаси 2022 йил 7 октябр, №119 рақамли баённомаси)

Қорақалпоғистон матбуотида адабиёт мавзусидаги материалларнинг ёритилиши хусусиятлари бўйича диссертация муаллифининг таҳлиллари ва олган натижалари Қорақалпоғистон Республикаси Журналистлар уюшмаси томонидан ўтказилган бир неча методик ва амалий семинарларда маъруза қилинган ва улар талқин этилиб амалий журналистикада қўллаш мумкин деб топилган. (Қорақалпоғистон журналистлар уюшмаси семинари 2022 йил 17 январь 3 рақамли баённомаси).

Таҳририятнинг ижодий фаолиятини самарали ташкил қилиш ва аудитория талабларига мос равишда фаолият юритишга оид фикр-мулоҳазаларидан Қорақалпоғистон Республикаси телерадиокомпаниясининг фаолиятида фойдаланилган (Қорақалпоғистон Республикаси телерадиокомпаниясининг 2022 йил 28 мартдаги 05-22/170-сон маълумотномаси). Натижада, тадқиқот ишига оид қорақалпоқ адабиёти мавзусининг тараққий этиш давлари, матбуотнинг жанр хусусиятлари, композицион бирликлари хусусидаги чиқишлари ўзининг илмий-амалий жиҳатдан янгилиги билан долзарб аҳамият касб этади ва ёш авлодни бадиий адабиётга қизиқишини янада кучайтириш ва китобхонлик маданиятини ўстиришда ватанпарварлик, миллий ғурур ва ифтихор руҳида тарбиялашда, миллий ўзликни англашда муҳим аҳамиятга эга. Қорақалпоғистон радиоканалининг “Адабиёт ва давр”, “Ёшлар учун” таҳририятлари томонидан тайёрланадиган эшиттиришларнинг сифатини ошиши ва радио материаллари мазмунини янгиланишлар жараёнига ҳамоҳанг бойитилишига асос бўлган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 4 та халқаро, 5 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокама қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 15 та илмий мақолалар эълон қилинган. Шундан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертациялар натижаларини чоп этиш

тавсия этилган илмий нашрларда 4 та мақола, Республиканинг бошқа журналларида 10 мақола, чет эл журналида 1 та мақола эълон қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, асосий 3 боб ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат, ўз навбатида ҳар бир боб тегишли бўлимларга ажратилган. Диссертациянинг умумий ҳажми 132 бет.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг «**Кириш**» қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати асосланиб, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, предмети ва объекти берилган. Тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялар тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилиб, унинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган. Олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланиб, ишнинг назарий ва амалий аҳамияти очиқ берилган. Тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, апробацияси, диссертациянинг тузилиши ва ҳажми кўрсатилган.

Диссертациянинг биринчи боби «**Мустақиллик давридаги янги адабиёт ва унинг даврий матбуотда ёритилиши**» деб номланиб, унинг биринчи фасли «**Қорақалпоғистон даврий матбуотида адабиёт мавзусининг ёритилиши хусусиятлари**» деб белгиланган. ОАВ жамиятда қатор маданий, маънавий, шу жумладан адабий вазифаларни бажариши журналистика тарихидан, назариясидан ва ҳозирги журналистика фаолияти тажрибаларидан маълум. Рус олими Е.П.Прохоров бу тўғрисида қуйидаги фикрни билдиради: ОАВ жамиятдаги маданият институтларининг бири сифатида юксак маданий қадриятларни оммага кенг тарқатишда ва ўғит-насихат, тарғибот қилишда фаол иштирок этади, халқнинг онгини жаҳон маданияти асосида тарбиялайди.⁶

ОАВнинг жамиятдаги фаолияти ва вазифалари тўғрисидаги фикрларни ўзбек олимлари ҳам ўз ишларида қайд қиладилар⁷. Улардан Ё.М.Маматова ўз тадқиқотида ОАВнинг даврий матбуот турининг жамият институти сифатида фаолият ва вазифаларини кенг таҳлиллар орқали асослаб беради⁸.

Дарҳақиқат, ОАВ жамиятда олий маданай ва маънавий қадриятларни тарғиб қилишда ўзига хос алоҳида ўрнига эга. Шу жумладан, даврий матбуот саҳифаларида миллий ва умуминсоний қадриятларни акс эттирадиган материаллар билан бирга адабиёт, маданият, одоб-ахлоқ мавзуларини ёритадиган материаллар ҳам аудиториянинг ҳар томонлама етук инсонлар бўлиб тарбияланишига, шаклланишига таъсир қилади, айниқса, ёшлар аудиториясининг бадий адабиётга бўлган қизиқишини оширишга ёрдам беради.

⁶ Прохоров Е.П. Введение в теорию журналистики. Учебное пособие. — М.: Изд. РИП-холдинг, 2000. — 308 с.

⁷ Муминов Ф. Метод журналистики и методы деятельности журналистов.-Ташкент, “Университет”, 1998, с. 44; Худайқулов М. Оммавий ахборот воситалари назарияси. Тошкент, “Университет”, 1999, с.21;

⁸ Маматова Ё.М. Современная периодическая печать Узбекистана:система, тематика, тенденции и проблемы функционирования. Ташкент, “Национальное общество философов Узбекистана ”, 2006, с.33-56.

«Еркин Қарақалпақстан» газетасида адабиёт мавзусидаги материалларнинг асосий тематик йўналишлари сифатида адабий тақризларни, ҳар хил юбилей саналарига бағишланган ва ҳозирги адабий жараён билан боғлиқ материалларин, адабий танқид, айрим ёзувчи ва шоирларнинг ижодини алоҳида ёритиб беришга бағишланган материалларин кўрсатиш мумкин.

«Қарақалпақстан жаслары» газетаси ёшларимизнинг асосий ижтимоий-сиёсий газетасидир. Газетада, асосан Қорақалпоғистон Республикаси ёшлари ҳаётида рўй бераётган ўзгаришлар ва муаммолар, шунингдек ёшлар тарбияси, ёшларни юксак маънавият руҳида тарбиялаш мавзусидаги материаллар билан бирга адабиёт мавзуси ҳам ўрин олган.

Умуман олганда, Қорақалпоғистон матбуотидани ўрин олган адабиёт мавзусидаги материалларни бир неча йўналишлардан иборат эканини кўрсатиш мумкин.

–ҳозирги адабий жараён тўғрисидаги материаллар, асосан, мутахассис адабиётшунослар томонидан ёзилади. Уларда бугунги қорақалпоқ адабиётидаги айрим долзарб масалалар атрофида фикрлар юритилади;

–соф бадиий асарлар газета саҳифаларида алоҳида рубрика остида («Адабиёт бети», «Поэзия», «Проза», «Ўқидик, фикр айтамыз» ва ҳ.) кўриниб туради;

–ёзувчилар, шоирлар, адабиётшунос олимларнинг ижодини, илмий фаолиятини очиб берадиган материаллар асосан уларнинг юбилей саналарига боғлаб берилади. Бу каби материалларнинг аҳамиятли томони шундаки, уларда ижодкорларнинг ҳаёти ва ижодига оид янги маълумотларни, далилларни, янгича ёндашувларни ва талқинларни учратиш мумкин;

– «Қарақалпақстан жаслары» газетасида кўпинча ёш ижодкорларнинг асарлари ҳақида танқидий материалларни, шу жумладан, ёш адабиётшуносларнинг мақолаларини кўриш мумкин.

Бобнинг иккинчи фасли **«Мустақилликдан олдинги даврлардаги матбуотда адабиёт мавзусига тарихий экскурс»** деб номланган. Қорақалпоғистон Республикаси даврий матбуоти ўз тарихини ХХ асрнинг 20-йилларидан бошлайди. У ҳар хил тарихий, сиёсий, мафкуравий шароитларда шаклланди ва ривожланди, Республиканинг маданий, маънавий ўсишида тарихий из қолдирди. Вақтли нашрлардан ҳозирги кунда «Еркин Қарақалпақстан», «Қарақалпақстан жаслары», деб номланадиган газеталар Қорақалпоғистон Республикасининг сиёсий-ижтимоий, иқтисодий, маданий, маънавий ҳаётини ёритишда алоҳида ўрин эгаллайди. Ушбу газеталарнинг тарихи ҳақида маълумотлар қатор адабиётларда батафсил берилган⁹.

⁹ История каракалпакской советской литературы. Ташкент, «Фан», 1981, стр.390-391; Бекбаулиев Д «Давлат мустақиллиги йилларида Қорақалпоғистон даврий матбуоти» (1991-1994 йй.); – Т.: 1997; Калекеев Қ «Замонавий қорақалпоқ матбуотида тарихий шахслар фаолиятини ёритиш тамойиллари ва муаммолари» – Т.: 2009; Досымбетов Г, Юсупов О. Қарақалпақстан баспасөзи (Пайда болуу хэм раўажлануу тарийхи). Нөкис, «Қарақалпақстан», 1991; Юсупов О. Қалимбетов А. «Қарақалпақстан» баспасына 60 жыл. Нөкис, «Қарақалпақстан», 1993; «Қарақалпақ мәдениятының қарлығашы». Нөкис, «Қарақалпақстан», 1998; Жаримбетов К. Каракалпакская советская поэзия периода Великой Отечественной войны. (1941-1945). Нукус, 1982.

Юқорида кўрсатилган икки газетада ҳам турмушнинг ҳар хил соҳасига боғлиқ материаллар билан бирга бадий адабиёт, адабий танқид, адабиётшунослик масалаларига оид материаллар тез-тез эълон қилиниб турди. Бунинг асосий сабабларидан бири ушбу газеталар ташкил қилинган 1920-30 ва ундан кейинги йилларда Қорақалпоғистон шароитида бадий адабиёт асарларини, адабий танқид ва адабиётшунослик масалаларини акс эттирадиган махсус нашрлар йўқ эди. Шу туфайли мазкур газеталарда қорақалпоқ ёзувчилари ва шоирларининг асарлари, танқидчиларнинг мақолалари мунтазам чоп этилиб борди. (Ушбу анъана ҳозиргача давом этмоқда) Масалан, «Қызыл Қарақалпақстан» (ҳозирги «Еркин Қарақалпақстан») газетасида адабий асарлар, адабий жараён ҳақида Қорақалпоғистон Республикаси Ёзувчилар уюшмасининг ҳисоботлари, шарҳловчи мақолалари эълон қилиниб турди. Шунингдек қорақалпоқ адабиёти ва назарияси муаммоларини кўтариб чиққан материаллар, асосан, адабиётшунослар Н.Давқараевнинг, Қ.Айимбетовнинг, Н.Жапақовнинг, И.Сағитовнинг, О.Кожуровнинг ҳамда баъзи ёзувчилар билан журналистларнинг биргаликдаги мақолалари эди. Диссертацияда ушбу жараён тўғрисида тўла маълумот берилган, айрим масалалар талқин қилинган.

Шундай қилиб, 1920-30 йиллари Қорақалпоғистон вақтли матбуотида етакчи йўналишларнинг бири бу бадий асарларнинг ва уларга танқидий фикрларнинг кўплаб эълон қилиниши бўлди. Адабиёт мавзусидаги материаллар турмушнинг бошқа соҳаларига оид материаллар билан деярли тенг акс эттирилиб турди. Бунинг асосий сабаби, юқорида айтганимиздек, махсус адабий-бадий нашрларнинг йўқлиги ва халқнинг бадий адабиётга қизиқиши бўлди.

Иккинчи жаҳон уруши йилларида элимиз қийин аҳволда қолса ҳам, газеталар ўз фаолиятини тўхтатмади. Улар «Ҳаммаси фронт учун, ҳаммаси ғалаба учун!» деган шиор билан ишлади. Шу сабабли газеталар ёзувчиларимизнинг ватан ҳимояси мавзусидаги асарларини мунтазам эълон қилиб борди. Ўша вақтларда газеталарнинг адабиёт мавзусини акс эттиришдаги асосий мақсади Ватан учун синовли оғир шароитларда халқнинг руҳини кўтариш, уни Ватан ҳимоясига чақириш, ғалабага ишонтириш эди.

Газеталар уруш мавзусига бағишланган бадий асарлардан бошқа адабий танқид масаласига оид материалларни ҳам чоп этиб борди. Масалан, адабиётшунос И.Сағитов «Бадий адабиётнинг аҳамияти ҳақида» деб номланган мақоласида адабиётнинг айрим назарий томонларига эътибор қаратади, шунингдек, у асарлар таҳлили асосида адабиётни Ватан учун синовли шароитларда зарур руҳий курол сифатида баҳолайди.

Қорақалпоғистон Ёзувчилар уюшмасининг «Ёзувчилар уюшмасида» деген ҳисобат мақоласида¹⁰ фашизмга қарши тарғибот, ўгут-насихат ишларида Қорақалпоғистон ёзувчи, шоирларининг уруш мавзусидаги

¹⁰ «Қызыл Қарақалпақстан» 13.07.1941

асарлари катта аҳамиятга эга эканлигини қайд қилади. Адабиётшунос Қ.Жаримбетов узининг уруш даври адабиётини махсус ўрганган монографиясида¹¹ «Қызыл Қарақалпақстан» газетасининг ҳар бир сонисида деярли уруш мавзусида шеърлар, публицистик мақолалар эълон қилинганини, бу ишда шоирлардан Ж.Аймурзаев, Н.Жапақов, А.Дабиллов, Д.Назбергенов, А.Шамурадов, М.Дарибаев, С.Қурбаниёзовлар фаол иштирок этганини уларнинг шеърлари ғоявий-тематик хусусиятларини кенг таҳлиллар орқали кўрсатиб беради.

Умуман айтганда, уруш йиллари «Қызыл Қарақалпақстан» газетаси ўзининг бевосита журналистик фаолияти билан бирга ҳар хил мавзулардаги ва жанрлардаги адабий асарларни оммага кенг тарқатиш, адабий танқид материалларини мунтазам ёритиб бориш ишларини шараф билан бажарди. Оғир кунларда халқимизнинг маънавий йўлдаши ва руҳий озиғи бўлди.

Иккинчи жаҳон урушидан кейинги йиллари ҳам Қорақалпоғистон газеталари адабий ва адабиётшунослик материалларини доимий эълон қилиб борди. Қорақалпоғистон Ёзувчилар уюшмасида муҳокама бўлган адабий-ижодий масалаларни халқ газеталар орқали билиб борди.

1950-60 йиллари «Совет Қарақалпақстаны», ва «Жас Ленинши» газеталарида адабиёт мавзусидаги материаллар «Адабиёт», «Бизнинг календар», «Ўқидик фикр айтамыз», «Критика ва библиография» рубрикалари остида мунтазам чоп этилиб борди. «Жас Ленинши» газетасида ёш ижодкорларнинг шеърлари, ҳикоялари, ёш танқидчиларнинг мақолалари чоп этилиб борди. Бадиий асарларнинг савиясини, муваффақиятлари ва камчиликларини журналистларга нисбатан ёзувчилар ёки адабиётшунослар кенг ва аниқ очиб бера олди. Масалан, 50 йиллар охирида таниқли бўлиб қолган шоир Иброҳим Юсупов «Шоир бўлиш шарт...»¹² деб номланган мақоласида бадиий сифати паст шеърларга холисана баҳо беради. Эълон қилинган шеърлар шеърят талабларига амал қилинмасдан ёзилаётганини мисоллар орқали кўрсатиб беради. Диссертацияда бир неча ижодкорлардан мисоллар келтириб таҳлил қилинган.

Бу жараён 70- йилларда ҳам давом этди. Ҳаваскор ёзувчи ва шоирларнинг асарларига танқидий фикрлар тажрибали ёзувчилар ва танқидчилар томонидан билдирилиб турди. Масалан, таниқли ёзувчи ва шоирлар У.Пиржанов «Обзор» рубрикаси остида «Айрим ҳикояларни ўқиганимизда»¹³, К.Султанов «Кўринганнинг барчаси ҳикоя эмас»,¹⁴ «Тўртта сатрнинг барчаси шеър эмас»¹⁵ деган мақолаларида ҳаваскор муаллифларнинг асарларини таҳлил қилиб, уларнинг ютуқларини ва ўсиш даврига хос баъзи етишмовчиликларини кўрсатиб беради. Танқидчилар фақат

¹¹ Жаримбетов К. Каракалпакская советская поэзия периода Великой Отечественной войны. (1941-1945). Нукус, 1982.

¹² «Жас ленинши» 10.07.1959.

¹³ «Жас ленинши» 22.04.1972.

¹⁴ «Совет Қарақалпақстаны» 09.11.1969.

¹⁵ «Совет Қарақалпақстаны» 22.07.1970.

камчиликларни кўрсатиш билан чекланиб қолмасдан ёш ёзувчиларга ижод сирларини ва усулларини ўз тажрибаларидан келиб чиқиб тушунтиради.

Шуни таъкидлаш керакки, тажрибали ёзувчилар К.Султанов, У.Пиржанов, 70-йилларда танқид қилган ёш ижодкорлар Ш.Аяпов, С.Ибрагимовлар кейинчалик машҳур ёзувчилар ва шоирлар бўлиб етишди, адабиётимизнинг ривожланишига салмоқли ҳиссалар қўшди.

Булардан бошқа ўша 60-70- йиллари «Совет Қарақалпақстаны» ва «Жас ленинши» газеталарида ёш ёзувчиларни ижодий томондан тарбиялашга қаратилган кўпгина адабий танқидий мақолалар чоп этилди. Улардан таниқли танқидчи К.Худайбергенонинг «Юрагингда илҳоминг борми?»¹⁶, ёзувчи К.Смамутовнинг «Сўз ўрнини топса...»¹⁷, шоирлар Қ.Абдирамановнинг «Шеър шеър бўлиши учун»¹⁸, М.Сейтниязовнинг «Шеър шайдолари кўп бўлгани яхши»¹⁹, Ғ.Сейтназаровнинг «Шеърнинг ҳам уволи бор эмасми?»²⁰, К.Султановнинг «Танқид кўркам ва сифатли бўлсин»²¹ деган мақолалари ёш ижодкорларни тарбиялаш мақсадига қаратилган.

Газеталарда мумтоз шоирларимизнинг меросини таҳлил ва тарғиб қилиш йўналиши бўйича адабиётшунослар ва ёзувчилар томонидан кўпгина мақолалар эълон қилинди. Диссертацияда бу ҳақда тўлароқ маълумот берилган.

Шулар билан бирга болалар адабиёти масалалари ҳам газеталар диққатидан четда қолгани йўқ. Болалар адабиёти барча даврларда ҳам сиёсий-ижтимоий аҳамиятга эга бўлган ва барча даврлардаям болалар ёзувчилари етишмовчилиги муаммо бўлиб келган. Филология фанлари номзоди Т.Мамбетниязов «Кийиклар» ва болалар шеърляти тўғрисида»,²² машҳур болалар шоири Х.Сапаровнинг «Болалар адабиёти ҳақида сўз юритсак»²³ номли мақолаларида болалар мавзуида чоп этилган асарларнинг аксарияти бадиий талабларга жавоб бера олмаслигини танқид қилади.

1980-90-йиллар орасида собиқ Иттифоқнинг сиёсий ҳаётида қайта қуриш деб номланган ўзгаришлар, ислоҳотлар юз берди. 1980 йилларнинг охирига келиб коммунистик мафкураининг сиёсий, руҳий кучи ожизланиб қолди ва халқнинг ишончини йўқота бошлади.

Қайта қуриш даврида сиёсий воқеаларнинг, ўзгаришларнинг таъсири билан адабиётда ва адабиётшуносликда эркин фикрлаш, объектларга тарихий ва ҳар хил ёндашиш белгилари кўрина бошлади. Миллий адабиётимизда олдин айтилмай келган тугун масалалар матбуот саҳифаларида очик кўтарила бошлади. Диссертацияда қайта қуриш йиллари чоп этилган адабиёт мавзусидаги айрим материаллар таҳлил қилинган.

¹⁶ «Жас Ленинши» 12.05.1970.

¹⁷ «Жас Ленинши» 04.08.1972.

¹⁸ «Жас Ленинши» 07.03.1978.

¹⁹ «Жас Ленинши» 11.08.1973.

²⁰ «Совет Қарақалпақстаны» 14.08.1975.

²¹ «Совет Қарақалпақстаны» 29.07.1969.

²² «Совет Қарақалпақстаны» 20.07.1978.

²³ «Совет Қарақалпақстаны» 09.09.1980.

Лекин бу йиллардаги баъзи мақолаларда ҳалиям адабиётда ва адабиётшуносликда аввалги партиявийликнинг таъсирини сезиш мумкин. Масалан, XIX аср қорақалпоқ халқининг мумтоз шоири Бердақнинг (1927-1900) 160 йиллигига бағишлаб ёзилган «Бердақ ва бизнинг давримиз» деган мақолада²⁴ муаллифнинг илгаригидек партия кўрсатмаларига суянганини кўришимиз мумкин. Мақолада муаллиф Бердақнинг ижодида атеизм элементларини англашга, улардан маънавий ҳаётда фойдаланишга чақиради. Бу каби мақолалар уларнинг муаллифлари замон талабларидан орқада қолганини кўрсатади.

1990- йиллардан бошлаб бурунги тоталитар жамиятнинг коммунистик мафкураси эскириб, унинг ўрнига миллий мустақиллик ғоялари кириб кела бошлайди. Адабиёт ва адабиётшунослик илгариги авторитар, бюрократия устунликдан қутулиб, ўзларининг ривожланиш йўлини янгича бошлади. Мустақиллик йиллари адабиётимиз эркинлик ва демократия руҳи билан суғорилди. Бундай янги руҳни шу йиллардаги Қорақалпоғистон вақтли матбуотида ҳам кузатиш мумкин. Бу аҳвол даврий матбуот маҳсулотларига газетхонлар қизиқувчанлигини оширади. Буни «Совет Қарақалпақстаны», «Жас ленинши» газеталарининг ўша йиллардаги ададидан англашимиз мумкин. Масалан, «Совет Қарақалпақстаны» газетаси 1992 йили ҳафтасида 5 марта 45400 нусхада чиқиб турди. Бироқ шу ҳақиқатни айтшимиз керакки, бундан сўнги йиллари газеталар бозор иқтисоди талабларига бирданга туша олмай ададлари камая бошлади. Масалан, «Еркин Қарақалпақстан» газетаси 1995 йили 10328 нусхада чиқиб турди. (Ҳозирги вақтда бу газета 2000-1500 нусха атрофида чиқади). «Жас ленинши» (ҳозирги «Қарақалпақстан жаслары») газетаси ҳақида ҳам шу ҳақиқатни айтиш мумкин. Лекин шуни таъкидлаш керакки, Қорақалпоғистон Республикаси даврий матбуоти қийин шароитларга тушиб, ададлари камайса ҳам бадиий асарларни, адабий танқид ва адабиётшунослик масалаларини акс эттиришни тўхтатгани йўқ. Бу аҳволни, биринчидан, Қорақалпоғистон газеталарининг азалдан шаклланган адабиёт мавзусини ёритиш анъаналарини сақлашга интилиши бўлса, иккинчидан, халқимизнинг адабиётни ўзининг руҳий озиги, маънавий хазинаси сифатида билишидандир, деб ҳисобласак тўғри бўлади.

Диссертациянинг иккинчи боби **«Қорақалпоқ адабиёти масалаларининг мустақиллик йилларидаги даврий матбуотда ёритилиши»** деб номланиб, унинг биринчи фаслида **«Қорақалпоқ адабиёти масалаларининг мустақиллик йилларида янги ғоялар контекстида таҳлил қилиниши»** масаласи қараб ўтилади. Мустақиллик йиллари ёзувчи ва шоирларимиз унумли меҳнат қилиб газета-журналларда кўпгина шеърлар, ҳикоялар, мақолалар, ҳаттоки романлар ва драмалар эълон қилди. Улар ўз асарларида Ватан, эл-халқ, миллат келажаги ва бугуни ҳақида куйлади, уларга мустақиллик руҳи ва ғоялари сингдирилди. Шунингдек, қатор асарларда инсон ички дунёсининг ҳар хил маънавий-руҳий томонлари акс эттирилди.

²⁴ Сағыйтов И. Бердақ ҳам бизиң дэўиримиз. «Совет Қарақалпақстаны» 30.01.1987.

Мустақиллик йиллари ёзувчилар, шоирлар, журналистлар ва адабиётшунослар учун янги давр бўлди. Шу туфайли ижодкорлар янги ғоялар, янги талаблар таъсирида ишлади. Масалан, ёзувчи М.Низоновнинг «Ақшагўл» қиссаси кенг жамоатчиликнинг қизиқишини уйғотди. Журналист ва ёзувчи Ш.Уснатдинов «М.Низоновнинг «Ақшагўл» қиссаси ҳақида» мақоласида («Еркин Қарақалпақстан» 30.09.2006) бош қаҳрамон ҳозирги ўтиш даврида қийин муаммоларнинг қули бўлиб қолмасдан, меҳнатдан қўрқмай, чет элларга бахт ва насиба излаб кетмасдан ўз элида, яна оз меҳнат ҳақига кўникиб, тинимсиз меҳнат қилганини ҳақиқий мардлик деб ҳисоблайди. Албатта, меҳнат мавзуси адабиётда янгилик эмас, лекин ёзувчининг бу мавзуси янги иқтисодий ва ижтимоий муносабатлар фониди оддий меҳнаткаш аёл Ақшагўл образи орқали акс эттирганини Ш.Уснатдинов қиссанинг таҳлили асосида кўрсатади.

Мазкур газетада ёзувчи Қ.Матмуродовнинг «Тербенбес» (Тебранмас, 2004) романи ҳақида бир неча танқидий мақолалар эълон қилинди. Уларнинг орасида адабиётшунослар эмас, балки бошқа соҳа мутахассислари бўлган Т.Нурлибаевнинг «Тербенбес» ҳақида тебранишлар» («Еркин Қарақалпақстан» 12.03.2005), О.Сулаймановнинг «Халқимнинг тарихини таърифлайдиган асар» («Еркин Қарақалпақстан» 21.04.2005) номли тақризмақолалари эълон қилингани кўпчиликнинг эътиборини тортди. Бу каби мақолалар янги романнинг кенг китобхонлар орасига қандай кириб борганини, янги романга уларнинг қизиқувчанлиги қандай бўлганини кўрсатади.

Шунингдек, филология фанлари докторлари К.Курамбаев, К.Алламбергеновларнинг «Мукофотга муносиб китоб²⁵» деб номланган тақризида шоир К.Аметовнинг «Иқбол» шеърлар тўплами мустақиллик руҳи ва ғояларини акс эттирадиган бугунги куннинг китоби эканини таҳлиллар асосида кўрсатиб беради. Шоир Ҳ.Айимбетов «Тойнинг тулпар бўлганин кўрдик» деган мақоласида²⁶ шоир Б.Генжемурадовнинг шеърлар тўплами ҳақида филология фанлар доктори Қ.Жаримбетовнинг шоир Ж.Исбасқановнинг (ҳозир у Ўзбекистон халқ шоири) лирик асарларини таҳлил қилган «Кўтаринки руҳ поэзияси» мақоласида²⁷ номлари зикр этилган шоирлар лирикасида теран мазмун, янги ғоялар, ўтли туйғулар, ажойиб метафоралар билан берилганини таҳлиллар билан кўрсатади.

Мустақиллик руҳи таъсирида қорақалпоқ шоирлари ҳам фаол ижод қилди, қатор шеърлар тўпламларини чоп эттирди. Улардан Набира Турешова, Минайхан Жуманазарова, Гулистон Матякубова, Фатима Мирзабаева, Гулистон Давлетова, Гулнара Нурлеспесова, Алтингул Утениёзовларнинг шеърлар тўпламларини айтиш мумкин. Шоира Г.Давлетова «Шоиранинг ижодида виждон мавзуси» деган мақоласида («Еркин Қарақалпақстан» 13.08.2002) инсоннинг энг юксак фазилатларидан бири виждон масаласи бўлиб, унинг шеъриятда қандай ифодаланганини М.Жуманазарова

²⁵ «Еркин Қарақалпақстан» 03.10.2000.

²⁶ «Еркин Қарақалпақстан» 07.01.2010.

²⁷ «Устаз жолы» 11.10.2000

лирикасининг таҳлили мисолида кўрсатиб беради. Қорақалпоғистон халқ шоираси Н.Турешова «Шоирнинг илоҳий олами», «Гулистон Матякубованинг ижодий портретига штрихлар» деб номланган мақоласида («Еркин Қарақалпақстан» 19.06.2008) Қорақалпоғистон халқ шоираси Гулистон Матякубованинг шеърлари мавзусининг хилма-хиллиги, мазмунан теранлиги ва шаклий жиҳатдан ифодалаш, бадиий-тасвир воситалирига бой эканлигини мисоллар таҳлили орқали асослайди.

Танқидчи Ж.Базарбаев тўпламдаги «Илҳом туйғулари» мақоласида С.Ниятуллаевнинг «Умр ҳақида ўйлар китобини ўқиб» («Еркин Қарақалпақстан» 23.09.2006) номли тақризида шоир Сағиндик Ниятуллаевнинг шеърларида акс эттирилган умр ҳақида ўйларининг фалсафий мазмунини очиб беради. С.Ниятуллаевнинг шеърлари мавзу, ғоя ва ифода усуллари билан ажралиб туришини унинг қаламкашлари Қорақалпоғистон халқ шоири К.Каримов «Туйғуларни шеър қилиб дасталаган» («Еркин Қарақалпақстан» 12.10.2010), А.Султанов «Шоирнинг ишонч дунёси» («Қарақалпақстан жаслары» 29.01.2013) мақолаларида далиллар билан кўрсатади.

Шуни таъкидлаш керакки мустақиллик йилларида улуг классик шоирларимиз Бердақ ва Ажиниёз меросини янги давр талабларига мос ҳар томонлама ўрганиш авж олди. Ўша «Еркин Қарақалпақстан» газетасида чоп этилган филология фанлар докторлари Қ.Байниязовнинг «Ажиниёз шоир таҳсил олган Элмурод охун масжиди қачон қурилган»,²⁸ А.Пахрадиновнинг «Сўз устасининг Ватан, адолат ва инсонпарварлик ғоялари»,²⁹ Қ.Жаримбетовнинг «Ошиқларнинг дарди бир»³⁰ деган мақолалари классик шоирларнинг меросига янгича ёндошуви ва улар ҳақида янги маълумотлар ва далилларни тақдим этиши билан эътиборга лойиқ. Айтиб ўтилган мақолалар диссертацияда батафсил таҳлил қилинган.

Классик шоирларнинг меросини кенг газетхонларга янги қарашлар билан ёндашиб етказишда, уларнинг илгари айтилмаган томонларини очишда адабиётшуносликдан бошқа фанлар вакиллари ҳам фаол иштирок этдилар. Масалан, фалсафа фанлари доктори, академик Ж.Базарбаев,³¹ тарих фанлари доктори, профессор Б.Қошанов,³² фалсафа фанлари номзоди У.Худайбергенова,³³ педагогика фанлари доктори О.Алеуов ва б. мумтоз адабиёт ва фалсафий дунёқараш, мумтоз адабиёт ва тарих, таълим-тарбия, педагогик қарашлар йўналишлари бўйича қатор мақолалар эълон қилдилар. Диссертацияда ушбу мақолалар атрофлича таҳлил қилинган.

Умуман олганда, мустақиллик йилларида даврий матбуотда ёритилган адабиёт мавзусидаги материалларда миллий адабиётимизнинг олдин айтилмаган, кўпчиликка маълум бўлмаган томонлари очилди, мумтоз

²⁸ «Еркин Қарақалпақстан». 03.02.2004.

²⁹ «Устаз жолы» 15.11.2014.

³⁰ «Еркин Қарақалпақстан» 29.07.2014.

³¹ Базарбаев Ж. Эжинияздың сөз маржанлары-бийбаха мийрас. «Еркин Қарақалпақстан» 12.08.2004.

³² Қошанов Б. Эжинияздың жаслар тәрбиясына көзқарасы. «Қарақалпақстан жаслары» 24.07.2014.

³³ Худайбергенов У. Бердақ мийрасы хэм миллий философияның айырым мәселелери. «Еркин Қарақалпақстан» 25.10.2018.

шоирларимизнинг кўпгина асарлари олдинги даврлардагидек устун мафкура, партиявий қарашлар асосида эмас, балки эркинлик, очиқлик, демократик тамойиллар негизида таҳлил қилинди ва газета ўқувчиларига янгича тушунтирилди. Бу борада «Еркин Қарақалпақстан» ва «Қарақалпақстан жаслары» газеталарининг хизмати катта.

Иккинчи бобнинг иккинчи фаслида **«Қорақалпоқ адабиёти масалаларининг мутахассис адабиётшунослар томонидан тадқиқ қилиниши ва даврий матбуотда ёритилиши»** масаласи кўриб ўтилади. Мустақиллигимиз йиллари ёш авлодни маънавий тарбиялаш мақсадида қатор ҳукумат қарорлари қабул қилинди. Уларни амалга оширишда ОАВ, шу жумладан, даврий матбуот фаол хизмат қилмоқда. Бу ишда, албатта, адабиётшунос мутахассисларнинг ҳам улуши бор. Улар даврий матбуот саҳифаларида янги адабий асарларга танқидий фикрлар билдиради, мумтоз адабиёт ва фольклор меросини янги талабларга мос таҳлил қилади. Уларни янгича тушунтиради, умуман адабиёт масалаларига, шу жумладан, ҳозирги адабий жараёнга ўз муносабатларини билдириб боради. Масалан, адабиётшунослар П.Нуржановнинг «Кўп қиррали, алвон сирли арбоб»,³⁴ Қ.Жаримбетовнинг «Ёзувчи истеъдодининг улуғлиги»³⁵ мақолалари улуғ ўзбек ёзувчиси Ойбекнинг 100 йиллик юбилей санасига бағишланган. Биринчи мақолада муаллиф Ойбекнинг ҳаёти ва ижодий йўли ҳақида маълумотларга кўпроқ эътибор бериб, газета ўқувчилари кам биладиган материалларни тақдим этган. Иккинчи мақолада ёзувчи асарларини, айниқса «Қутлуғ қон» романини таҳлил қилишга урғу беради. Иккала мақола ҳам газетхонларда улуғ ёзувчи ижодига қизиқиш уйғота олади.

Газеталарда адабиётшунослик соҳасида маълум из қолдирган олимларнинг ҳаёти ва илмий фаолияти тўғрисида ҳам кўпгина материаллар чоп этилди. Улардан филология фанлари доктори С.Баҳадированинг «Н.Давқараев Бердақ шоирни қандай ҳимоя қилди» («Еркин Қарақалпақстан» 30.09.2003) номли мақоласи машҳур қорақалпоқ адабиётшунос олими Н.Давқараевнинг (1905-1953) ҳаёти ва илмий фаолиятига бағишланган бўлиб, газета ўқувчиларини миллий адабиётшунослигимизнинг ривожланиш йўлидаги ҳар хил воқеалар, кескин бурилишлар, қизгин баҳс-мунозаралар, тортишувлар, ҳар хил ижобий ва салбий далиллар билан таништиради. Булар қорақалпоқ адабиётшунослигининг ривожланиш тарихини теран ва тўғри англашга ёрдам беради.

Филология фанлари номзади Г.Есемуратовнинг «Алп онадан туғилади» номли мақоласи³⁶ юқорида айтилган адабиётшунос, тилшунос, ёзувчи Н.Давқараевнинг 100 йиллик юбилейига (2005) бағишланиб ёзилган. Муаллиф ушбу олимнинг қорақалпоқ адабиётини ва адабиётшунослигини оёққа турғазилда олиб борган фидокорона меҳнатларини аниқ далиллар ва манбалар асосида кетма-кет баён қилиб беради. Олимнинг ҳаётидан газета ўқувчилари беҳабар янги маълумотларни тақдим этади.

³⁴ «Еркин Қарақалпақстан» 16.06.2005.

³⁵ «Устаз жолы» 05.02.2005.

³⁶ «Еркин Қарақалпақстан» 02.06.2005.

Тадқиқот давомида «Еркин Қарақалпақстан», «Қарақалпақстан жаслары», «Устаз жолы» газеталарида адабиёт мавзусини мунтазам акс эттирадиган фаол муаллифлар, яъни олимлар, журналистлар гуруҳи шаклланиганини аниқладик. Улардан Ж.Базарбаев, А.Пахратдинов, Қ.Байниязов, С.Баҳадырова, Қ.Жаримбетов, Қ.Оразимбетов, К.Алламбергенов, Ж.Есенов, П.Нуржанов, Б.Генжемуратов, З.Бекбергенова, Ж.Хошниязов, Қ.Юсупов ва бошқалар ўзларининг долзарб масалаларга қаратилган, қизиқарли ва эътиборли материаллари билан газеталарда тез-тез кўриниб турганини мамнуният билан айтиб ўтсак бўлади.

Тадқиқотчиларнинг мақолаларида журналистик фаолиятнинг самарали ва ўринли қўлланиганини кўрсатиш мумкин. Масалан, газета материалларига сўровнома шаклидаги сарлавҳаларнинг қўйилиши умумий композицион кўринишлардан бўлиб, масаланинг туб моҳиятини англата олади. Умуман, газетада мавзу ва сарлавҳа журналистик маҳоратнинг кўринишларидан бири бўлиб хизмат қилади. Бунга қўшимча равишда уларнинг эмоционал таъсирчанлиги бор эканини, маълум даражада дизайн, реклама ролини бажаришини айтиб ўтиш лозим. Булар тўғрисида айрим олимлар ўз ишларида таъкидлаб ўтади.³⁷

Мисол сифатида адабиётшунос Қ.Байниязовнинг «С.Мажитов билан Қазимавлик қачон айтишган?» номли сўров мавзусидаги мақоласини³⁸ келтириб ўтиш мумкин. (Маълумот учун: Сейфулғабит Мажитов ва Қазимавлик XX аср бошидаги қорақалпоқ адабиётининг таниқли шоирлари, Иккиси ҳам сталинизм репрессияси қурбонлари бўлган). Юқоридаги олимлар кўрсатганидек сўров шаклидаги бу мавзу газетхонда икки шоирнинг ҳаётидаги, ижодидаги айрим қизиқарли далилларни, маълумотларни билиш иштиёқини уйғотади.

Материаллар таҳлили давомида биз Қарақалпоғистон даврий матбуотининг янги йўналишларда, яъни ҳозирги аудиториянинг талаблари, қизиқишларига, янги тарихий, маданий шароитлар контекстида ишлашга интиланганини кузатдик. Бу жараёнда «Еркин Қарақалпақстан», «Қарақалпақстан жаслары» газеталарида адабиёт мавзуси ҳам доимий йўналишларнинг бирига айланди.

Диссертациянинг учинчи боби **«Даврий матбуотда қорақалпоқ адабиёти мавзусини акс эттиришда қўлланилган асосий жанрлар ва журналистик маҳорат»** деб номланиб, унинг биринчи фасли **«Матбуотда эълон қилинган материалларда журналистик жанрларни қўллаш хусусиятлари»** деб белгиланган.

Мустақиллик йиллари ижтимоий–сиёсий ва иқтисодий ҳаётда рўй берган катта ўзгаришлар, мультимедияли технологияларнинг ривожланиши коммуникация тизимининг ҳам маълум даражада ўзгаришларига олиб келди. Ўз навбатида бу ўзгаришлар журналистиканинг ғоявий-тематик

³⁷ Виноградов С.И. Культура русской речи. - М. : Инфра. - М, 1999. – С. 124; Гуревич С. М. Газета: вчера, сегодня, завтра. Учебное пособие для вузов / С. М. Гуревич, - Москва: Аспект Пресс, 2004. - С. 56; Шостак М. А. Сочиняем заголовок / М. А. Шостак // Журналист. -1998. - № 3. - с. 1- 5, с. 9-14.

³⁸ Еркин Қарақалпақстан 11.04.2002

йўналишларига, жанрлар табиятига баъзи янгиликлар киритмоқда. Бу ўзгаришлар, янгиликлар ҳақида диссертацияда тўлароқ маълумотлар берилган ва айрим олимларнинг бу жараён тўғрисида фикр ва муносабатлари келтирилган.³⁹ Мазкур бобда адабиёт мавзусидаги материалларнинг жанрий хусусиятларини, даврий нашрларда уларни ёритишда ўзига хос услубий изланишларни таҳлиллар асосида ўрганишни мақсад қилиб қўйганмиз.

Вақтли матбуот жанрлари орасида ахборот жанрлари ўзининг тезкорлиги, янгиликларни оператив ёритиш мумкинлиги билан ажралиб туради. Қорақалпоғистон матбуотида адабиёт мавзуси бўйича бу жанрда эълон қилинган материаллар қорақалпоқ адабиётининг ҳозирги жараёнини, тарихга оид улуғ ёки кичик кўламдаги янгиликлар, ҳар хил тадбирлар билан газетхонларни таништириб боради, уларнинг миллий адабиётимизга бўлган қизиқишини, ҳурматини уйғотади. Диссертацияда ахборот жанри бўйича аниқ мисоллар келтирилган ва таҳлил қилинган.

Бизнинг вақтли нашрларимизда кейинги вақтларда жанрларнинг гибридлашуви, аралашуви кузатилмоқда. Масалан, журналист З.Абдиниязованинг «Халқ шоирни соғинди»⁴⁰ мавзусидаги хабарда халқимизнинг севимли шоири, марҳум Иброҳим Юсуповнинг хотирасига бағишланган кеча ҳақида сўз юритади. Материалнинг мавзуси хабар жанрига оид эканлиги, нима ва ким ҳақида сўз юритилгани кўриниб турибди. Лекин бу кўлами катта бўлмаган хабарда ўй-фикрлари, чекинишлари, бошқача айтганда, публицистик элементлар аралашган. Диссертацияда шу каби материаллар ҳақида сўз кетади.

Журналистика жанрларидан бири интервью қандай мавзуда олиб борилмасин, у газетхонни интервью берувчининг бирор бир масала, воқеа, шароит бўйича шахсий позицияси, фикрлари билан ва ҳар хил маълумотларни, воқеаларни тақдим этиши билан ўзига тортади. Газета интервьюларида адабиёт ҳақида суҳбатлар уюштирилади.

Журналист П.Хожамуродованинг «Адабиёт–рухий дунёимизнинг ўлчови»⁴¹ номли интервью материалда Қорақалпоғистон Ёзувчилар уюшмаси раиси К.Каримов билан суҳбат олиб борилган. Савол-жавоблар орқали ҳозирги адабиётимиз йўналишлари, айниқса, ёшлар ижодиёти ҳақида аниқ маълумотларга эга бўламиз. Ўша муаллифнинг «Очилишмоқ» рубрикаси остида «Шоирлик сирли–туйғулар бўстони»⁴² деб номланган интервьюсида Қорақалпоғистон халқ шоири Халил Давлетназаров билан суҳбат олиб борган. Суҳбатда шоирнинг ижод таржрибалари, айрим лирик шеърларнинг қандай сабаблар, туйғулар таъсирида, натижасида пайдо бўлгани савол-жавоблар орқали очиб берилади.

³⁹ Лазутина, Г.В., Распопова, С.С. Жанры журналистского творчества: учеб. посо-бие для студентов вузов. – М., 2011. – С 89; Колесниченко, А.В. Практическая журналистика. – М., 2008. – С 78; Кройчик, Л.Е. Система журналистских жанров // Основы творческой деятельности журналиста / Под ред. С.Г. Корконосенко. – СПб., 2000. – С. 138.

⁴⁰ «Қарақалпақстан жаслары» 02.02.2017

⁴¹ «Еркин Қарақалпақстан» 25.08.2011

⁴² «Еркин Қарақалпақстан» 18.10.2011

Журналист А.Турекеева китобхонларга қизиқарли новеллалар ва ҳикоялари билан машҳур бўлган Қорақалпоғистон халқ ёзувчиси Алп Султан (Алпысбай Султанов.) билан «Инсон дунёда иши билан қолади»⁴³ номли суҳбат олиб боради. Суҳбатда оддий саволлар бериш орқали ёзувчи ҳаёти ва ижодининг кўпчилигига маълум бўлмаган қирралари очилади. Масалан, «Дастлабки устозингиз ким? Устоз ва шогирд тушунчасига қандай қарайсиз? Адабий ижоддан бошқа қандай қизиқишларингиз бор, яъни сизнинг хоббингиз? Ҳаётингизда нимага кўпроқ афсусланасиз? ва ҳ.» Бу каби саволлар кўпроқ информацион характерда бўлса ҳам, китобхонларга қизиқарли туюлади. Бу нарсалар интервьюнинг журналистик сифатини белгилайди.

